

financial services firms, which might arguably be seen as key firms in the digital economy, have not been included in some of the measurements (HoC, 2016).

5. Режим доступа: <https://unctad.org/press-material/global-efforts-needed-spread-digital-economy-benefits-un-report-says>.

6. UNCTAD (2019b). UNCTAD Rapid eTrade Readiness Assessments of Least Developed Countries: Policy Impact and Way Forward. Geneva. Available at: Режим доступа: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/dtlstict2019d7_en.pdf

7. Jie S (2018). China exports facial ID technology to Zimbabwe. *GlobalTimes*, 12 April. ACS (2018).

Д.М. Усмонова, илмий раҳбар М.С. Касимова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

usmonova.diyora@inbox.ru

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА УЗУМЧИЛИК ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Аннотация. *Мақола бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини, узумни етиштириш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳолати берилган. Узумчиликни экспорт салоҳияти ва уни Тошкент вилоятидаги ҳолати таҳлил қилинган. Қилинган таҳлил асосида узумчиликни экспорт салоҳиятини оширишнинг маркетинг стратегиялари кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *мева-сабзавот маҳсулотлари, кластер, узумчилик, узум экспорти, бренд, маркетинг стратегиялари.*

D.M. Usmonova, scientific adviser M.S.Kasimova

Tashkent state university of economics

Tashkent, Uzbekistan

usmonova.diyora@inbox.ru

MARKETING STRATEGY FOR INCREASING VITICULTURE EXPORTS IN TASHKENT REGION

Annotation. *The article describes the current state of cultivation, storage and export of fruits, vegetables, grapes in our country. The export potential of viticulture and its situation in Tashkent region were analyzed. Based on the analysis, marketing strategies to increase the export potential of viticulture are presented.*

Keywords: *fruit and vegetable products, cluster, viticulture, grape export, brand, marketing strategies.*

Бугунги кунда Ўзбекистонда 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади [1]. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулот мазали ва сервитамин бўлиши мумкин, лекин маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштирилмаяпти. Худудларда деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги сабабли маҳсулот етиштирувчи деҳқон экинларни ўз билганича жойлаштириб, етиштирилган маҳсулотни сота олмаяпти.

Экспортер эса мева-сабзавот қидириб юрибди. Бу албатта хорижлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир кўрсатяпти. Юртбошимиз томонидан видеоселектрда: “Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад- экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорларни топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлаш керак”.

Бундан кўриниб турибдики, мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон стандарти талаблари асосида етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни сифатини таъминлаб сотиш тизимини йўлга қўйиш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш масалаларига, шунингдек энг асосийси экспорт қилиш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Чунки 2020 йилдан кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Яна бир муҳим томони шундаки, кластерлар “маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортировка қилиш-бозорга етказиш” асосида узлуксиз занжирни вужудга келтирса ва мева-сабзавот ҳажми кўпайиб борса, истеъмол бозоридаги нарх-навонинг барқарорлиги шунчалик мустаҳкамланади [3].

Охирги 20 йил ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 116,9 фоизга ўсган. Биргина 2020 йилда унинг ҳажми 1194,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, жами республика бўйича экспорт ҳажмини 7,9 фоизини ташкил этган. Буни ичида узум маҳсулотлари 188,3 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ичидаги улуши 2020 йилда 1,2 фоизни ташкил этган. Бироқ узум маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 2000 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайган.

Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида 2018-2020 йиллардаги узум экспорти[6]

Тошкент вилояти туман ва шаҳарлари	2018 й.		2019 й.		2020 й.	
	тонна	минг АҚШ доллари	тонна	минг АҚШ доллари	тонна	минг АҚШ доллари
Вилоят бўйича жами:	14 805,2	12 954,4	23 958,0	27 176,2	55 327,4	48 139,7
Нурафшон шаҳри	-	-	62,5	53,3	402,5	391,3
Олмалиқ шаҳри	50,3	34,4	240,8	345,0	-	-
Ангрен шаҳри	2 702,5	1 706,9	334,6	292,2	218,8	308,9
Бекобод шаҳри	20,8	17,6	29,5	18,4	76,3	53,5
Чирчиқ шаҳри	89,8	74,7	301,5	328,3	11,4	8,0
Янгийўл шаҳри	56,0	62,2	88,0	62,6	82,1	83,5
Оққўрғон тумани	357,5	294,6	138,6	153,4	132,0	151,0
Оҳангарон тумани	122,1	81,3	101,8	69,7	2 639,2	2 134,8
Бекобод тумани	336,3	171,2	586,4	442,7	363,0	304,1
Бўстонлиқ тумани	297,6	271,3	120,8	89,9	8 979,6	5 556,3
Бўка тумани	-	-	243,2	206,7	82,5	103,4
Зангиота тумани	5 504,2	5 407,4	2 572,0	4 817,7	11 487,9	9 043,9
Қибрай тумани	1 504,4	1 462,9	1 873,3	2 942,6	8 767,5	9 351,4
Қуйичирчиқ тумани	51,3	26,0	2 418,6	1 955,7	1 591,6	1 312,1
Паркент тумани	989,9	779,0	6 385,3	6 432,6	9 597,1	8 244,7
Пскент тумани	-	-	-	-	39,1	24,9
Тошкент тумани	223,3	171,0	748,3	1 827,2	6 535,6	6 880,7
Ўртачирчиқ тумани	383,2	409,4	329,8	632,7	368,3	328,2
Чиноз тумани	189,7	146,4	297,4	210,5	830,4	1 047,4
Юқоричирчиқ ту- мани	1 685,2	1 626,5	1 189,5	1 190,3	2 793,7	2 505,4
Янгийўл тумани	137,0	93,1	5 732,0	4 909,9	313,0	292,3

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2018 йилда 12 954,4 минг АҚШ долларлик узум маҳсулоти экспорт қилинди. 2020 йилда 55 327,4 тонна узум 48 139,7 минг АҚШ долларига экспорт қилинган. Бунда энг катта экспортни Қибрай, Зангиота ва Паркент туманлари амалга оширган.

Қибрай, Зангиота ва Паркент туманлари томонидан мос равишда 8 767,5 тонна узум Қибрай туманида 9 351,4 минг АҚШ долларига, 11487,9 тонна узум Зангиота туманида 9 043,9 минг долларга ва 9 597,1 тонна узум Паркент туманида 8 244,7 минг долларга экспорт қилинган. Барча қайд этилган туманларда узум экспорти йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-савзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорда кўрсатилишича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон оммавий ассортиментига мослаша оладиган даражада шакллантириш ва дифференциациялаш орқали уни ривожлантириш чораларини кўриш лозим. Бунда асосий эътиборни янги маҳсулот турини яратишга эмас, мавжуд ассортимент билан глобал қўшилган қиймат занжирида фаол иштирок этишга эътибор қаратиш лозим [5].

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда етиштирилаётган ва қайта ишланаётган мевалар бўйича жами 84 та мамлакатлар бозорлари ўзлаштирилган.

Мамалакатимиз бўйича йилдан-йилга мева-савзавот маҳсулоларини, узум маҳсулотлари экспортини ошириш масаласи вазифа сифатида белгиланган. 2020 йилда Ўзбекистон 188,3 млн. АҚШ долларлик узум маҳсулотларини экспорт қилган. Тошкент вилояти эса шундан 48,1 млн. АҚШ долларлик узум маҳсулотларини экспорт қилган. Тошкент вилоятида узумни экспорти йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2000 йилда атиги 2,3 млн. АҚШ долларлик узум экспорт қилинган бўлса, қарийб 21 маротабага кўпайган. Тошкент вилояти бўйича 2000 йилда фақат Россияга 1,6 млн. долларига ва бошқа мамлакатларга 0,7 млн долларлик узум экспорт қилинган бўлса, 2020 йилга келиб, 19,5 млн.долларлик Қозоғистонга, 2,3 млн.долларлик Қирғизистонга, Россияга 24 млн.долларлик, бошқа мамлакатларга эса 2,3 млн.долларлик узум маҳсулотлари экспорт қилинган. Бундан кўришиб турибдики 2019 йилга нисбатан 2020 йилда узум экспорти 20,9 млн.долларга кўпайган. Бу асосан Россияга 20,8 млн. долларлик 2020 йилда узум экспорти ортган.

Аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг [4] асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да ўз аксини топган.

Узумчилик агросаноат мажмуасининг асосий тармоғларидан бири сифатида аҳолини хўл ва қуритилган узум билан, виночилик ва консерва саноатини хом ашё билан таъминлаш учун узум ҳосилларини етиштиришга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шу билан биргаликда узумчилик кўплаб мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг асосий ихтисослашган тармоқлари ҳисобланади.

Олтиариқ тумани бугунги кунда узум билан ҳам машҳур. Ўтган йиллар давомида бу ерда ўзига хос мактаб вужудга келиб, 10 лаб турдаги янги узум навлари яратилди. “Қора шаҳзода”, “Хусайни”, “Маликанинг бармоғи”, “Ризамат ота” каби навлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Юқоридагилар шуни таъкидлаши мумкинки, узумчилик саноати экспорт фаолиятини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади. Маркетинг назариясида кўпчилик олимлар хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий маркетинг стратегиялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайдилар: харажатлар бўйича етакчилик стратегияси; диверсификация стратегияси ва ихтисослашув стратегиясидир.

Харажатлар бўйича етакчилик стратегияси ишлаб чиқариш, товарлар, ишлар ва хизматлар харажатларини пасайтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини белгилаб беради. Диверсификация стратегияси рақобатчиларга қараганда сифатли товарни барпо этиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш заруратини белгилаб беради.

Ихтисослашув стратегияси муайян товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган истеъмол талабини рақобатчиларга қараганда анча жозибадор шароитда қондириш заруратини белгилаб беради. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда узумчилик экспортини ўсиш суръатини янада жадаллаштириш учун соҳада маркетинг стратегияларини чамбарчас холда қўллаш катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурауф Коржовов. Мева- сабзаот кластери экспорт ҳажмини оширади // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 4 март, 28-сон.3-бет.

2. Олтиариқ тажрибаси: юртимиз брендини кўтраишга хизмат қилади // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 22 октябрь, 202-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. “Мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш” мавзусида видео селектор. 2020.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарори // Халқ сўзи, 2019 йил 12 декабрь.

Х.М. Шаҳобов, илмий раҳбар И. Махкамов
Наманган муҳандислик-технология институти
Наманган, Ўзбекистон
shahobov-x@umail.uz

КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада кластер, хусусан, агросаноат кластерларини ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти назарий ёритиб берилган. Ҳудудларда, жумладан Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги тараққиётида агросаноат кластерларининг тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни ривожланиш йўналишлари баён этилган.*

***Таянч сўзлар:** ҳудуд, кластер, тадбиркорлик, бандлик, мева-сабзавот, технополис, технопарк, интеграция, экспорт, рақобатбардошлик, озиқ-овқат маҳсулотлари.*

Х.М. Шаҳобов, научный руководитель И. Махкамов
Наманганский инженерно-технологический институт
Наманган, Узбекистан
shahobov-x@umail.uz

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ КЛАСТЕРОВ

***Аннотация.** В статье дается теоретический обзор роли кластеров, в частности агропромышленных кластеров, в развитии экономики регионов. Описана роль агропромышленных кластеров в развитии сельского хозяйства*